Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 7 август • Шанба • № 91 (14119) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ:

«БИЗ КЕЧАГИ КУНИМИЗДАН ВОЗ КЕЧМАЙ, КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ ИШЛАМОҚДАМИЗ»

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти шу йил январь ойида 55 ёшга тўлди. Ислом Каримов қўш олий маълумотли — Ўрта Осиё политехника институти билан Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. 1966 йилдан бошлаб 17 йил давомида республика Давлат режалаштириш комитетида ишлади. 1983 йилда молия вазири этиб тайинланди. Сўнгра Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Давлат режалаштириш комитетининг раиси бўлди. 1986—1989 йилларда Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилоят комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1989 йилнинг июнь ойида Компартия Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлди. Унинг раҳбарлигида Компартия 1991 йилнинг ноябрида қайта тузилиб, мутлақо янги мафкурага асосланган ва янги сиёсат ўтказувчи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига айлантирилди. ЎХДП таъсис съездида Ислом Каримов унинг раиси этиб сайланди.

1990 йил 23 март куни Олий Кенгашнинг сессиясида собиқ СССР ҳудудидаги иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Президентликка сайланди. 1991 йил 29 декабрда давлат бошлиғи лавозимига муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Ислом Каримов овозларнинг аксарият кўпчилигини, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 86 фоизидан кўпроғининг овозини олди.

Уйланган. Рафиқаси Татьяна Акбаровна иқтисодиёт институтининг илмий ходими бўлиб ишлайди. Катта қизи турмуш қурган, кичик қизи мактабда ўқийди.

— **Ислом Абдуғаниевич, «Правда» газетхонлари Сиз тўғрингизда тўла тасаввурга эга бўлишлари учун суҳбатимиз дебочасида қисқача таржиман ҳолингизни келтирдик. Унда ҳозир Сиз эслашни хоҳламайдиган сатрлар борми?**

— Йўқ. Мен ҳам халқимиз каби олис ва яқин тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланишим мумкин. Бу тарих ўз диёри, ўз фарзандлари бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш истаги ва кўникмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қўриб турибсизки, бу талабларда «партократлар» ва «демократлар»га ажратадиган ҳеч нарса йўқ.

— **Ўртоқ Президент, ижодингиз билан, шу ўринда ўз мулоҳазалари, шуҳаларини таҳририятга ёзиб юборган газетхонлардан бирини эсга оламиз. Унинг мулоҳазалари кўп жиҳатдан бошқалар ёзаётган фикрларга ҳамоҳангдир. Хусусан у бундай ёзади: «Фарзандларимнинг, рафиқамнинг, ота-оналарим, ака-укаларим ва опа-сингилларимнинг даҳшатга тушгани учун мен аввало иттифоқ сиёсий раҳбарларини, сўнгра айрим мустақил давлатларнинг раҳбарларини сира кечирмайман». Сиз республика раҳбариятига қандай пайтда келганингизни эслаб, бу сўзларни бевосита Сизга қаратмоқчи эмасмиз. У вақтда ўнлаб одамларнинг ёстиғини қуритган Фарғона водийсидаги даҳшатли фожиа олови бутунлай сўнмаган эди. Дастурий нутқларингиздан бирида Сиз: «Ўзбекистон Фарғонадаги каби иккинчи фожиага дош бера олмайди, иккинчи Фарғона бўлмайди ҳам», деган эдингиз. Шундан буён фикрингиз ўзгардими?**

— Сиз жиддий муаммони тилга олдингиз. Менимча ўша вақтда, чамаси, марказнинг кўрсатмаси билан кўпгина нашрлар, телевидение, радио фожиали воқеаларни юзаки ёритган, бу воқеаларга шовинистик иборалар билан ёрлиқ ёпиштириб, фақат «даҳшатли манзаралар»ни тасвирлаш билан чекланган. Ҳолбуки, фожианинг манбалари ва сабаблари анча теранроқ эди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган, улар йиллар давомида ҳал этилмай келарди. Мисол учун қишлоқ аҳлининг аҳволига назар ташлайлик — улар аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этади — бир қарич ерда бир неча авлод яшар эди. Бир йилда уч марта ҳосил бера оладиган сахий заминда яшаётган одамларнинг қашшоқлашиб кетгани, миллий анъаналар ва турмуш тарзининг камситилиши, баъзи жойларда эса бутунлай таъқиб остига олиниши, пахта яккаҳокимлигининг шу пахтани етиштирувчи деҳқоннинг ўзи зарур миқдорда даромад ололмайдиган даражага етиши ҳисобга олинса, бу фожиали воқеалар қандай шароитда юз бергани равшан бўлади. Ахир, бу ижтимоий ғалаён учун сабаб эмасми? Ўшанда уй қуриш ва томорқа учун ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида биз қабул қилган қарор вазиятни кўп жиҳатдан изга солди. 1989 йилдан бошлаб қишлоқларда одамларга ярим миллион гектардан кўпроқ ер ажратиб берилди. Суғориладиган энг яхши ерлар ажратиб берилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бир неча миллион оила уй қуриб, ўз ерида деҳқончилик қила бошлади. Ана шу ерларда етиштирилган маҳсулотнинг ортиқчаси бозорга келтирила бошланди.

— **«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобингизда ислоҳотларнинг Ўзбекистондаги моделининг ўзига хос, энг муҳим қоидаларини батафсил баён қилгансиз. Уларни «Правда» газетхонлари учун қисқача тавсифлаб берол майсизми?**

— Биринчи қоида — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш. Иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан юқори туриши лозим. Иккинчиси — янги жамият қуриш даврида, айниқса ўтиш босқичида давлат иқтисодиётни бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги зарур; У асосий ислоҳотчи бўлиб қолиши лозим. Қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак — бу учинчидан. Тўртинчидан, республиканинг нуфус, тарихий, маданий хусусиятларини албатта ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, аҳолининг камбағал табақаларини, қариялар ва болаларни ҳимоя қилиш лозим. Бешинчидан, ислоҳот шошилмай, босқичма-босқич ўтказилиши керак. Бозор иқтисодиёти йўлига ўтиш — қурқ намойиш эмас, балки биринчи навбатда аҳолининг арзигулик бадавлат турмушини таъминлаш воситасидир. Биз ҳали янги уйни қурмай туриб, ўзимиз ўсиб улғайган ва яшаётган эски уйни бузиб ташлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни танлаб олар эканмиз, халқимиз собиқ иттифоқнинг бошқа мамлакатлари халқлари билан ҳаммамизнинг умумий мақсадимиз бўлган маърифатли, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ва демократия камолга етган манзилда учрашишига умид боғлаймиз. Биз мақсадга ижтимоий ларзаларсиз, тартибсизликларсиз, одамлар қашшоқлашмаган, давлатчилик ва қонунийлик бузилмаган ҳолда эришишни истаймиз ва эришамиз ҳам — мен бунга аминман.

— **Афсуски, собиқ СССРнинг турли минтақаларидаги барча газетхонларимиз ҳам келажакка бу қадар ишонч билан қарашмаяпти.**

— Менинг эса ишончим комил. Шу ишонч бўлмаганда эди, мен тарихимизнинг шу бурилиш палласида мамлакатимиз тақдири, халқимиз тақдири учун буюк масъулиятни зиммамга олмаган бўлардим.

— **Сиз ҳозир МДҲ доирасида тағин ҳам мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилишнинг изчил тарафдорларидан бири ҳисобланасиз. Бу — касби иқтисодчи бўлган одамнинг пухта ўйлаб тутган йўлими ёки бу ерда сиёсий мақсадлар ҳам борми?**

— Ишончим комилки, кўп ташвишларимиз одамларни нима учундир «сиёсатчилар» ва «иқтисодчилар»га ажратиш оқибатида юз бермоқда. Ҳозирги пайтда сиёсат билан иқтисодиёт муаммолари чамбарчас боғланган. Қандайдир бир дақиқали сиёсий мақсадлар йўлида иқтисодиёт қурбон қилинса борми, бунинг натижаси яққол кўзга ташланиб қолади. Шахсан мен ҳар бир қадамининг қандай иқтисодий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олмайдиган сиёсатчи билан ишлашим қийин. МДҲ доирасида биз қабул қилаётган қарорларнинг самарасизлигини, менимча, иқтисодий тараққиёт қонунлари билан сиёсатнинг ҳамоҳанг эмаслигида деб изоҳлаш мумкин. Ҳа, халқларимизнинг манфаати ҳозир иқтисодий жиҳатдан бирлашишни ва бевосита хўжалик алоқаларини сақлаб қолишни тақозо этмоқда. Лекин бунда бирон томон зўравонлик қилмаслиги керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Москвага етиб келди. **(ЎзА).**

Эртага—Қурувчилар куни

Айёмингиз қутлуғ бўлсин!

Азиз ёш бунёдкорлар!

Сизларни касб-кор байрамингиз билан чин қалбимиздан қутлар эканмиз, Мустақил Ўзбекистонимизни бутун дунёга кўз-кўз қилувчи шинам ва кўркам биноларни бунёд этиш йўлидаги фидокорона меҳнатингизга муваффақият тилаймиз. Оилангиз боши узра доимо тинч ва мусаффо осмон бўлсин. Ўзингизга сиҳат-саломатлик, ҳамда улкан бахт тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

Ғурурга қўйилажак ҳайкал

«Бир озод юртинг бўлса, ҳиёбонларида нотаниш аждодларингнинг эмас, халқимизнинг ифтихори бўлган Амир Темур, Алишер Навойи, Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби бобокалонларимиз ҳайкаллари савлат тўкиб турса! Тафаккур меваларн халқ ғуруруни юксалтирган ватандошинг номига қўйилган, ўзбекона саришталик, орасталик барқ урган гулгун кўчалардан эркин эркаланиб, мағрур одимласанг...» Талабалик йилларн сурилган ана шундай ёруғ, эзгу ҳаёллар воқелигининг истибдод тошига уриліб чил-чил синарди яқин-яқингача.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк саркарда Амир Темур ҳайкалини яратиш ҳақидаги қарорига биноан пойтахтнинг қизғин иш бораётган «Амир Темур хиёбони»да кезар эканман, шу нарса кўнглимдан кечди. Бир замонлар мустамлакачилар, халққа ёт мафкура даҳолари сиймоси акс этган хиёбонда Темур бобо ҳайкалининг ўрнатилиши адолатнинг тантанаси, Ўзбекистон истиқлолининг мустаҳкамланиб бораётганига шаксиз далолатдир.

Истиқлолнинг икки йиллик байрамига қадар ҳайкал ва хиёбонни қуриб битказиш мақсадида тинмн билмай меҳнат қилаётган қурувчилар, пардозловчилар, пайвандловчи ва бошқа касбдаги ватандошларимизнинг ишларини кузатаман. Ғишт тераётган, мармар кесаётган ёхуд гулзорлар барпо этаётган қунар эгалари ўз ишларини тез ва пухта бажармоқдалар. Уларнинг интилиши, шижоати — буюк бобокалонимизга меҳр-муҳаббатдан нишона.

Ҳа, ҳали бу муқаддас гўшага минглаб, миллионлаб юртдошларимиз келади, бу ердан ғурури осмон қадар юксалиб қайтади. Аслида бу ҳайкал халқимизнинг ўз ғуруруга тиклаган обидаси бўлади. Ўзлигини англаш, қадрини баланд тутиш сари қўйган олижаноб қадами бўлади бу.

Амирқул КАРИМ.

ЭСКИ БИНО ҲАМ АСҚОТИБ ҚОЛДИ

Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигининг бошқаруви ҳашар усули билан қурилган янги бинога кўчиб ўтди. Бўшаб қолган бино эса бўш қолмайди. Хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида бу бинода санаторий-профилактор барпо этишга қарор қилинди. Бунинг учун яхши шароит бор. Бино катта мевазор боғда жойлашган бўлиб, бу ерда эртаги сабзавот, лимон етиштирилаётган иссиқхона ҳам мавжуд.

Хўжалик раҳбарияти вилоят соғлиқни сақлаш бўлими билан шартнома тузди. Шартномага кўра, соғлиқни сақлаш бўлими санаторий-профилактор тиббий хизмати ишини йўлга қўйиш мажбуриятини олган. Шифохонани шу йилнинг охиригача очиш режалаштирилди.

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ

Андижон вилояти Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Вилоят ҳокимлигига ишга ўтиши муносабати билан Андижон вилояти Ёшлар Иттифоқи биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Зафар Саидхўжаев вазифасидан озод қилинди. Унинг ўрнига Нозимжон Ашуров сайланди. Н. Ашуров бунгача Андижон шаҳар Ёшлар Иттифоқи кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келган.

Пленум ишида вилоят ҳокими муовини Н. Саидов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. Орзиматовлар қатнашишди ва нутқ сўзлашди.

(Ўз мухбиримиз).

НОМИНИ ТОПДИ

Яқинда Тошкент метроси йўловчилари ажойиб манзараниng гувоҳи бўлдилар: бекатлардан бирининг мармар деворларидаги «Марказий хиёбон» атамаси ўрнига «Амир Темур хиёбони» деган сўзлар битилган эди. Шундай қилиб, ерости қасрининг энг кўркам, энг ганжум ва энг катта бекатларидан бири буюк Соҳибқирон номи билан аталадиган бўлди. Маълумки, шўро замонида «Октябрь инқилоби» деб аталган ушбу бекатга туташиб кетган ва шу кечакундузда катта иштиёқ билан таъмирланаётган кўркам хиёбонга ҳам яқинда улуғ бобокалонимиз номи берилган эди.

Энди метрочилар «Амир Темур хиёбони» бекати дарвозаларига ўзбек ва рус тилларида муҳрланган қуйидаги битикка ҳам эътибор қилсалар ажаб эмас: «Бизнинг социалистик республикамиз мустаҳкам туражак.

В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)»

БАЙРАМ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон енгил саноати ходимлари 7 август, яъни бугун ўз иш жойларини эгаллайдилар. Шу куни улар бир миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

Тармоқнинг барча корхоналари ва ташкилотларида ишчиларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда республика мустақил деб эълон қилинган кунининг икки йиллиги шарафига шанбалик ўтказишга қарор қилинди.

ЭНГ МУҚАДДАС БАЙРАМ

Бу кунни республиканинг бутун аҳолиси қувонч ва ҳаяжон билан кутмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрами миллий санъатнинг ёркин намойишига айланиши, ёш мустақил давлатнинг халқ маданий бойлигини қайта тиклашдаги ютуқларини кўз-кўз қилиши лозим. Асосий тантаналар Ўзбекистон пойтахтининг бош майдони — Мустақиллик майдонида ўтади. Шунинг учун ҳам бу ерда байрамга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Майдон байрам кунларида энг катта саҳнага эга бўлган улкан томоша залига айланади. Яқинда бу ерда ана шу байрам томошаларининг репитициялари бошланади.

— Бўлажак байрам томошаларининг дастури жуда катта, — дейди байрам тантаналарининг бадиий раҳбари ва бош режиссёри Рустам Ҳамидов. — Бу байрамда маданий қадриятларимиз, анъаналар ва урф-одатларимизнинг қайта тикланаётгани намойиш қилиниши керак. Бу — байрамни тайёрлаётган барча санъаткорлар ҳамда техник ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Қадимдан байрамлар инсониятнинг тинчликка, ҳамкорликка ҳамда ўз-ўзини англашга интилишининг рамзи бўлиб келган. Шуниси қувонарлики, биз ҳам бу муқаддас байрамимизни осойишталик ва сиёсий барқарорлик вазиятида кутиб олмоқдамиз.

Халқимиз ўзининг муқаддас байрамига арзигулик совғалар тайёрламоқда. Тошкентда буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темурга, буюк олим Мирзо Улуғбекка ҳайкаллар ўрнатилади, шаҳарнинг кўрки бўладиган «Туркистон» театри очилади.

Байрамнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, шу куни Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси биринчи бор жаранглайди.

Л. СТРУННИКОВА, ЎзА мухбири.

ЗАВОДНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

«Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчилик цехи ишлай бошлади. Цех ёстиқ ва кўрпа жилдлари, гўдаклар учун кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Маҳсулотнинг асосий қисми корхонанинг болалар боғчалари ва ётоқхоналарга, бир қисми эса бирлашманинг фирма магазинларига жўнатилди. Цехда ўн икки қиз меҳнат қилади. Улар қисқа вақт ичида корхонага 3 миллион икки юз минг сўм фойда келтирдилар.

Ҳозир Могилёв шаҳридаги шойи комбинати ва Андижондаги тўқимачилик комбинати билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокара олиб борилмоқда. Бу корхоналар билан ҳамкорлик келгусида шойи ва ип-газламадан тақчил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқишга имкон беради.

«Мистер гудбай» ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо Ўзбекистон — Канада ҳамкорлигида бунёд этилган бу қўшма корхона шу қисқа вақт ичидаёқ бежирим маҳсулотлари билан эл оғзига тушиб қолди. Бу уларнинг халқ талаби ва дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқараётганидан.

Корхонада ойига 80 минг дона кўйлак тикиб тайёрланади ва республикамизнинг барча вилоятларига жўнатилади.

Дарвоқе, «Мистер гудбай» дейилса, хорижликлар ҳам билишади. Негаки, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар у ёққа ҳам жўнатилади. Масалан, ўтган йили 80 минг дона, яъни 177 минг долларлик кўйлак хорижга экспорт қилинган.

СУРАТДА: корхона илғор тикувчиси Маҳфират Охунова.

Аъзамжон МИРЗАЖОН олган сурат.

ШУ СОНГА ХАБАР

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги йирик корхоналарнинг ташаббусини «Ўзенгилсаноат» республика давлат уюшмаси бошқаруви маъқуллади. Шанбаликни ўтказиш штаби тузилди. Пойтахтдаги «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаларининг, Наманган, Андижон ва Марғилондаги корхоналарнинг жамоалари шу куни ўзлари бажарадиган ишларни аниқ белгилаб олдилар. Шу куни бир миллион метрдан ортиқ газлама, юз минглаб трикотаж буюмлар, пойабзал, пайпоқлар, гиламлар, чинни идишлар ишлаб чиқарилади. Шу кунги меҳнат ҳақи — тахминан юз миллион сўмдан ошиқроқ пул «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига ўтказилади.

ГОЛЛАНДИЯ КАРТОШКАСИНИНГ РИВОЖИ ҚАНДАЙ?

Жиззах туманидаги Олтинсой давлат хўжалигининг Қўчқор Равшанов бошлиқ бўлимида Голландия картошка нави қандай етилаётгани, унга ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш усуллари хусусида давра суҳбати бўлди. Унда Ўзбекистон мева-сабзавотчилик концерни вилоят бирлашмаси мутахассислари, картошкачилик хўжаликлари раҳбарлари, бригадирлар тавсия, маслаҳат ва таклифларини айтди.

ИСТИҚБОЛЛИ НАВ

Боёвут туманидаги «Боёвут» давлат хўжалигининг 850 гектар майдонида Ўзбекистон Фанлар академияси «Биолог» ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари — Саодат Содиқов, Солижон Султонов ва уста пахтакор Музаффар Сафаров яратган «Ан-ҳосилдор» ғўза нави парвариш қилинмоқда. Бу нав 35—40 центнер ҳосил беради, бўйи 1 метр, кўсаги 120 кунда очилади.

Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва давлат нав синаш ҳайъати «Ан-ҳосилдор»ни истиқболли нав сифатида кўпайтиришга қарор қилди.

ШУ СОНГА ХАБАР

«БИЗ КЕЧАГИ КУНИМИЗДАН ВОЗ КЕЧМАЙ, КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ ИШЛАМОҚДАМИЗ»

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

— Шу йилнинг январида Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг янги ҳамжамиятини тузиш ташаббускори бўлганининг сабаби ҳам шунда эмасми? Бу ташаббус республикангиз ана шундай ҳамжамиятдан бошқа қўшниларга нисбатан кўпроқ манфаатдорлигини билдирадими?

— Раҳбарлари менинг таклифимни қабул қилиб, муҳим масалаларни муҳокама этиш учун Тошкентга келган бошқа мамлакатларга нисбатан манфаатдорлигимиз кам ҳам, кўп ҳам эмас. Тўғри, Ўзбекистон ўзининг жўғрофий-сиёсий аҳволига кўра, минтақадаги барча давлатлар билан чегарадош бўлган Марказий Осиёнинг юраги сифатида барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан манфаатдор, албатта. Халқимизда «Қўшнинг тинч — ўзинг тинч» деган нақл бор. Ўзбекистоннинг жўғрофий-сиёсий мавқеи туфайли унинг аҳолиси янги қўшни давлатларда юз бераётган воқеаларни ҳис этиб турибди. Мисол учун Тожикистондаги қонли фуқаролар урушини олиб кўрайлик. Унда ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди ёки бошпанасиз қолди. Ахир, Ўзбекистонда шу одамлардан кўпларининг қариндошлари бор. Ёки бўлмаса, бошқа қўшни республикада кутилмаганда жорий этилган валютани олиб кўрайлик. Бу республика билан чегарадош вилоятларимизга ўша республикада қабул қилиш тўхтатиб қўйилган Россия рубллари оқиб кела бошлади. Бунинг оқибатида бозорларимизда нарх-наво бирдан ошиб кетди. Биз жавоб чораларини кўришга мажбур бўлдик. Назаримда ҳамма иллат шундаки, МДҲда калтабинлик билан фақат ўз манфаатини ўйлаш кайфияти кучайиб бормоқда. Ҳар ким ўзини қутқаришга ҳаракат қиляпти. Қабул қилинаётган қарорлар эса, қоғозда қолиб кетмоқда.

— Сиз дунё бўйлаб қўл чўзиб юрмаслигингизни бир неча бор айтгансиз. Бу республика хорижий ёрдамдан воз кечиб, фақат ўз кучига ишонишни билдирадими?

— Ҳа, биз ёрдам сўраб ялинмаймиз, лекин, самимий лик, ҳалоллик ва ўзаро манфаатдорлик ниятлари билан бериладиган ёрдамни рад этмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, биз қўлимизни бошқаларга ёрдам сўраб эмас, қўлни-қўлга бериб, тенглик асосида ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун узатамиз. Оллоҳга шукрки, ўлкамизнинг одамлари меҳнатсевар, заминимиз қаърида хазиналар кўп. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда 3—4 ўринда туриши, олтин ва бошқа қимматли металлар қазиб чиқаришда дастлабки ўн давлат қаторига кириши ҳеч ким учун сир эмас. Республика газ ҳамда унинг технологик қайта ишланган маҳсулотлари билан ҳам ўзини таъминлаяпти, ҳам четга чиқаряпти. Келгусида биз ўзимизни нефть билан таъминлабгина қолмай, уни чет давлатларга ҳам сотамиз.

Эски, самарасиз ва мафкуралаштирилган иқтисодий тизимнинг Ўзбекистон собиқ марказнинг хом ашё билан таъминлайдиган ўсимтаси сифатида бир томонлама ривожланганининг оқибатлари республикада ҳали анча вақтгача сезилиб туришини яхши тушунамиз. Ҳозиргача халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида номукаммал технология ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгаллаб келган. Гарчи сўнгги йилларда маълум ютуқларга эришган бўлсак-да, ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулот чиқарадиган бўғинлари ҳали ҳам камқувват ҳисобланади.

Улкан хом ашё ресурсларини тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни йўлга қўйиш учун, афсуски, Ўзбекистон ҳозирча зарур қувватларга ва замонавий технологияга эга эмас. Ҳисоб-китоблар мамлакатдаги мавжуд хом ашё ва ним тайёр маҳсулотларни қайта ишлашни ташкил эта олсак, ялпи миллий маҳсулот икки баравар кўпайишини, миллий даромад эса тахминан уч баравар ортишини кўрсатяпти. Бу — иқтисодий тараққиётимизнинг бош йўлидир.

Биздаги аниқланган бой маъдан хом ашё заҳиралари, ходимларимиз салоҳияти, меҳнат ресурслари хорижий компанияларда жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Улар бу заҳиралардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ўзаро манфаатли шартлар билан сармоя солишга тайёрдирлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча қўшма корхоналар тузилди ва улар ишлаб турибди. «Мерседес—Бенц», «Сименс», «ДЭУ» каби ва бошқа жуда кўп жаҳонга машҳур бўлган компаниялар мамлакатимизда мустаҳкам ва узоқ муддатга ўрнашишмоқда.

Республикамиз хорижий сармояларни фақат бой ресурслари билангина эмас, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги, қонунда хорижий ишбилармонлар учун кўзда тутилган катта имтиёзлар ва кафолатлар билан ҳам ўзига жалб этмоқда.

— Республикада сўз эркинлиги йўқ, мухолифатдан ўч олинмоқда, собиқ марказий нашрлардаги айрим мақолаларга қарши маҳаллий матбуотда ёппасига ҳужум қилинмоқда, деб шахсан Сизни тоталитаризмни қайта тиклашда айблашмоқда. Бу фикрларни рад эта оласизми?

— Саволга қараганда, сизлар ҳам собиқ «асосий» газеталарнинг шуҳратпарастлигидан қутилмаганга ўхшайсизлар. Чунки, далилисботсиз айб қўйиш, аввалгидек қандай яшашни ўргатиш, ниятини яхши ниқобламай танқид қилиш — «мендай фикр ёки иш қилмасанг, демак сен айбдорсан», деган эски ақиданинг кўринишларидир. Бу эса кўпинча янги мустақил давлатдаги ҳақиқий вазиятни холисона тушуниб етишга тўсқинлик қилади. Одатда таҳририятдаги ишхонадан ташқарига чиқмай туриб, айрим кучлар катта ҳақ тўлаган ижтимоий буюртмага мувофиқ энг катта «умумлаштиришлар» ва «хулосалар» чиқарилади. Баъзан яхши ниқобланмаган «бирдан-бир ҳақиқий эътиқод»га тобе қилиш истаги билан шундай қилинади. Мен бир ҳақиқатни таъкидламоқчиман. Бу ҳақиқатга кўра, ҳар бир халқ ва ҳар бир мустақил давлат ўз андозалари ва қонунларига мувофиқ яшашга ҳақлидир. Бизнинг энг талабчан халқаро экспертизадан ўтган ўз Конституциямиз бор. Биз шу Конституцияга мувофиқ яшаймиз ва меҳнат қиламиз.

— Баъзан Сизни кучли ҳокимият тарафдори дейишади...

— Диктатор ҳам дейишади. Бошқа «баҳо»лар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси сиёсий ёки бошқа мақсадларни кўзлаб шундай баҳо қўяётган кишиларнинг виждонига ҳавола. Бир нарсани айтиб қўяй: мен қонун, айниқса ҳозирги мураккаб ўтиш даврида, ҳамма жойда ва ҳамма нарсадан устун туриши керак деган қоидага амал қиламан. Бунинг аксини кўрсатувчи мисолларни келтириб ўтирмайман. Улар ҳамманинг кўз олдида турибди. Яна бир масала: мени қўллаб-қувватлаётган одамларнинг (улар мени қўллаб-қувватлаётганларига аминман) осойишталиги ва барқарорлиги учун ҳар қандай ишни қилишга тайёрман.

— Ислом Абдуғаниевич, суҳбат учун раҳмат. «Правда» газетхонларига қандай истакларингиз бор?

— Билишимча, нарх-навонинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши оқибатида ҳозир энг содиқ газетхонларингизгина газетага обуна бўлишяпти. Уларга ўз халқимга тилаганимдек яхшилик, тинчлик, фаровонлик тилайман. Қийин даврлар тез ўтиб кетади, деб умид қиламан. Миллатидан қатъи назар, сабр-бардоши ва келажакка ишончи учун ватандошларимдан жуда миннатдорман.

Одилбек ҚАИПБЕРГЕНОВ, Геннадий СЕЛЕЗНЕВ. Тошкент шаҳри

(«Правда»нинг 1993 йил 5 август сонидан олинди).







Мана, бир неча йилдирки, Паркентнинг сўлим гўшаларн бағрида Халқаро ёзги аэрокосмик ва компьютер мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда болалар космонавтика ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайдилар. Уз қўллари билан жажжи ракеталар ясайдилар. Лойиҳалар чизадилар.

Куни кеча ёш космонавтлар ҳузурига Президент Девони ва Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаш республика жамғармаси масъул ходимларн ташриф буюрдилар.

— Биз бу Халқаро мактабнинг ҳомийларидан биримиз, — дейди Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаш республика жамғармаси Бош директори Абдуқодир Норқулов. — Яқинда мазкур даргоҳ учун жамғармамиздан 200 минг сўм ажратдик. Бу ҳамир учидан патир, холос. Биз уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаб бораверамиз. Чунки уларнинг бугун қай йўсинда шуғулланиши бизнинг эртамизни, келажагимизни белгилайди.

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида бор-йўғи 12 кун давомида иш олиб боради. Бироқ бу қисқа муддат болаларнинг бир умр ёдларида муҳрланиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Айни кунда ёш космонавтлар Москва Давлат дорилфунуни ва республикамиз олий ўқув юртлари таниқли профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини тингламоқдалар. Шу билан бирга улар ҳузурига космонавтлар уюшмаси аъзоси Солижон Шарипов ҳам ташриф буюрган.

— Мен болаларнинг фазо сирларини иштиёқ билан ўрганаётганлигидан жуда мамнун бўлдим, — дейди у. — Бу ерга иккинчи марта келишим. Ўзбекистонда ёшлар учун бундай шарт-шароитларнинг яратилишини юксак баҳолайман. Бир кун келиб улар фазога парвоз этсалар, ажаб эмас.

Халқаро ёзги мактабда таълим олаётган Алишер Бобоев (у Тошкент шаҳридаги 97-мактабда ўқийди)нинг сўзларига қараганда, бу ерда у жуда кўп дўстлар орттирган. Покистонлик тенгдошларининг изланишлари билан танишган. Улар республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган болалар билан «ажойиб ишлар» қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Халқаро ёзги мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Мати ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

Ёш фазогирлар

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **БЕЛОРУСДА 316 та болалар боғчаси ёпилди. Унинг асосий қисми — 286 таси қишлоқларда жойлашган эди. Сабаби маълум — қимматчилик.**

Ота-оналар ойига 1500—1600 тўлашга мажбурдирлар.

Хусусий мактабгача ёшдаги муассасалардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу ерда ота-оналар ҳар бир бола учун ойига 45 минг сўм тўлаши керак. Ҳозир фақат битта хусусий боғча ишлаб турибди.

● **РОССИЯ президенти Б. Ельцин Юрий Ҳамзатович Калмыковни Россия Федерацияси адлия вазири қилиб тайинлаш тўғрисидаги фармонга қўл қўйди. Калмыков ўтмишда СССР Олий Кенгашининг қонунчилик қўмитаси раиси бўлган эди.**

● **«УНИАН» ахборот агентининг хабарига қараганда «Сильский анстн» украин газетаси суратчи мухбири И. Реникка ҳужум қилиб, унн каптаклаган ва қимматбаҳо аппаратурасини тортиб, машинасининг ғилдиракларн ва аккумуляторини ечиб олган безорилари топиб берган кишига 1 миллион карбованец бериш ҳақидаги эълонни босиб чиқарган.**

● **КУЗБАСС вилоятидаги Ленинск—Кузнецк шаҳри колониясидан 23 нафар ҳавфли жиноятчи қочди. Бунинг учун улар баъзи жойлари 2,5 метргача чуқур бўлган 25 метрли ерости йўли қазишган. Милициянинг саъйи-ҳаракатлари туфайли биринчи куннёқ 5 қочоқ қўлга олинди.**

● **ЯҚИН ШАРҚДАГИ энг кекса авиакомпаниялардан бири — «Иджипт эйр» яна Москва осмонида пайдо бўлади. Узоқ муддатли танаффусдан сўнг 20 августда авиакомпания самолёти Россия пойтахтига учиб келади.**

● **АҚШ КОНГРЕССИ вакиллар палатаси мамлакат разведка идорасига навбатдаги йилда бюджетдан 28 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги таклифни тасдиқлади.**

● **КОМИ республикасидаги Ухта шаҳрида милиция қалбаки пул ясовчиларни қўлга олди. Уч кишидан иборат жиноятчи гуруҳ янги намунадаги 50 минг сўмлик пулдан 10 миллион сўмлик миқдорда тайёрлаб қўйган экан.**

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

БРЮССЕЛЬ. Босния серблари қўшини жойлашган қароргоҳларга алоҳида ҳолатлардагина БМТ назорати остида ҳаводан зарба бериш мумкин. НАТОга аъзо бўлган 16 мамлакатнинг доимий вакиллари узоқ музокаралардан сўнг шу қарорга келдилар.

НАТО Бош котиби Манфред Вернер матбуот учун берган баёнотида таъкидлашича, иттифоқ ҳарбий кучлари тезкор ҳаво ҳужуми ва «Бошқа амалларга тайёргарликни бошлаб юборган. АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Нидерландия юборган 60 та самолёт Италия авиабазаларида жанговар ҳолатда турибди.

* * *

РАБОТ. Исроил билан тинчлик музокаралари олиб бораётган Фаластин делегациясининг раҳбари Ҳайдар Абдил Шофий АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер билан Қуддус шаҳрида бўладиган учрашувда қатнашмаслигини маълум қилди. Фаластин вакилининг айтишича, деб хабар беради РАТА — ТАСС мухбири, Яқин Шарқ масаласида Вашингтон қарашларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмагани унинг Америқо ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари билан учрашувдан бош тортишига сабаб бўлган. Шунингдек, Абдил Шофий бу хатти-ҳаракати билан Исроилнинг Ливанга қарши тажовузига норозилик билдирмоқчи. Маълумотларга кўра, Исроил ҳужуми оқибатида Ливан фуқароларидан 130 киши ўлган, 450 нафар киши яраланган.

* * *

ТОКИО. Хитой ҳозирги пайтда савдо соҳасида Японнянинг АҚШдан кейинги иккинчи йирик шеригига айланди. У ўзининг Япония компаниялари ҳамкорлигида амалга ошираётган савдо-сотиқ ишлари миқёси билан Германиядан ҳам ўзиб кетди. «Ниҳон кэйдзай» газетасининг ёзишича, дастлабки олти ой ичида Япон—Хитой савдо-сотиқ ҳажми 16,6 миллиард долларга етди, яъни ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 29,7 фоиз ошди.

Япон мутахассисларининг фикрига қараганда, бу ўсиш жадал ривожланаётган Хитой иқтисодиёт бевосита таъсири — ф — дир.

* * *

АНҚАРА. Туркиянинг жанубн-шарқий қисмида бўлиб ўтган жанглар туфайли 18 киши ҳалок бўлди, деб хабар қилади «Теркиш дейли ньюс» газетаси. Битлис вилоятига қарашли Мутка шаҳри яқинида курд ишчи фирқаси (КИФ) жангарилари билан бўлган отишмалар чоғида олти нафар турк ҳарбий хизматчиси ўлдирилган. Айирмачилар Муш шаҳрида темир йўл ишчисини, унга қўшни қишлоқда эса оқсоқол билан учта қўриқчисини ўлдириб кетишган. Ширноқ вилоятида Туркия хавфсизлик кучлари билан бўлган тўқнашувда уч нафар жангари отиб ташланди.

Туркия ҳукумати мамлакат жанубн-шарқидаги айирмачилар отрядларини йил охиригача тугатишни мўлжаллаган. Мазкур гуруҳлар мамлакат ҳудудида мустақил Курд давлати тузиш учун 1984 йилдан буён қуролли кураш олиб бормоқда. Ҳозиргача минтақадаги ўзаро жанглар 6400 нафардан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди.

(ЎзА).

Японнянинг «Марубэни» савдо компанияси ҳамда Хитойнинг давлат нефть ва газ корпорацияси Ўзбекистонда нефтни қайта ишлайдиган комбинат қурилишининг лойиҳасини ишлашга киришдилар. «Ниҳон кэйдзай» газетасининг ёзишича, бу лойиҳа Осиё мамлакатларидаги нефть ва газ қазилмаларини ўзлаштириш

Ҳамкорликнинг янги жабҳалари

бўйича ҳамкорлик қилаётган икки фирманинг дастлабки иши бўлади.

Шу пайтгача Бухорода қурилажак комбинат лойиҳасини ишлаб чиқиш билан «Марубэни» компаниясининг ўзи шуғулланарди. Бу ишга Хитой давлат корпорациясининг қўшилиши дастурнинг тезда амалга оширишга умид туғдиради. Ҳозирги режага кўра, корхона 1996 йилда ишга тушиб, кунига юз минг баррель нефть тайёрлаб бериши керак. Комбинат маҳсулотининг бир қисми Хитойнинг ёқилғига талаб катта бўлган Ўрта Осиё билан қўшни районларига юборилади. Кейинчалик Бухоро нефть маҳсулотлари Японияга ҳам юборилиши кўзда тутилмоқда.

МУҲОЛИФАТНИНГ НИЯТИ

Молдованинг муҳолифатдаги ҳаракат ва партиялари парламентнинг фавқулодда сессиясида республиканинг МДҲга кириши ҳақидаги шартномани ратификация қилишга қарши чиқишлари ҳамда ҳукуматнинг истеъфосини талаб қилишларини билдирдилар. Муҳолифат етакчилари Молдова учун «Иқтисодий тараққиётда ҳали Ғарб даражасига етмаган, Шарқдан ўрганадиган нарса йўқ», деб ҳисоблайдилар.

Улар агар парламент Мирча Снегур имзо чеккан Алмати битимларини ратификация қилса, «Республиканинг россияпараст олий раҳбариятини ағдарадиган халқ норозилиги ҳаракатининг янги тўлқини»га умид боғлашларини баён қилдилар.

Аммо, муҳолифат вакилларининг Молдова раҳбариятини «Халқ норозилиги ҳаракати» билан қўрқитишлари икки йилдан бери самарасиз тугамоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бунинг сабаби ҳокимиятда бўлган пайтларида ўзларини кўрсата олмаган муҳолифат етакчиларининг халқ ичида обрўси йўқлигидадир.

АСОСИЙ ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

Чита вилоятининг кўпчилик сиёсий партиялари, ҳаракатлари ва жамоат ташкилотлари Россия Федерацияси асосий қонунининг конституцион кенгаш ишлаб чиққан янги лойиҳасини қўллаб-қувватламоқдалар. Вилоятдаги сиёсий кучларнинг каттагина қисми вакиллари қабул қилган қўшма резолюцияда конституциянинг бу лойиҳаси «Россия давлатчилигининг кейинги тараққиётини таъминлайди», деб таъкидланади.

(ЎзА).

Япония—Ўзбекистон:

ҚАДИМШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи қишлоғида ўзбек-япон археологик экспедицияси ишлаяпти. Ҳамза номидаги илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан Токиодаги Сока университети археологлари Далварзинтепа қўрғонида қадимий Будда ибодатхонаси қолдиқларини қидирмоқдалар. Бу экспедиция ноёб ёдгорликни тадқиқ қилиш бўйича беш йил олдин бошланган ишнн давом эттирмоқда.

— Кўчманчи қабилалар бу ерга эрамизнинг бошидаёқ келиб ўрнашишган эди, — деб ҳикоя қилади археолог-санъатшунос Жангар Илёсов. — II асрда эса Ҳиндистондан Будда дини кириб келган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, бу дин Японияга худди шу ердан буюк ипак йўли орқали борган. Мана шу тахмин япон ҳамкасбларимизда Далварзинтепа ҳамда мамлакатимиздаги бошқа археологик ёдгорликларга катта қизиқиш уйғотган.

Археологларнинг халқаро лагерида иш эрталаб соат 6 да бошланади. Олимларнинг иш қуроли белкурак, кетмон, ҳокандоз ва супургидан иборат. Аждодларимиз тупроғи сақлаётган ноёб хазиналарга зарба етказиб қўйишдан худо асрасин! Мана, мен ҳам, қўлимда белкурак, ишлаяпману бир қалтис ҳаракат билан бирон-бир идиш қолдиғини синдириб қўйишдан қўрқаман. Тўғрисини айтсам, мактабда тарихни унча яхши кўрмас эдим. Мана, бу қадимий заминда эса унга жуда қизиқиб қолдим. Бунинг устига, бу фанни яхши билмаганим учун уялдим ҳам.

Лагерда иш маромида борар ва деярлик ҳар куни қандайдир бир янгилик топилар эди. Масалан, экспедициянинг энг ёш аъзоси Кендза Кавасаки кушон-сомонийларга мансуб 20 га яқин мис танга топди. Шу ўринда унинг йил давомида ўзбек тилини ўрганганини, бундан буён эса Тошкент Давлат шарқшунослик институтида япон тилидан дарс беражагини айтиб ўтиш лозим. Тошкентлик археолог Алексей Восковский эса маъбуда тасвири туширилган сопол ҳайкалча бўлакларини, қўй бошн тасвирланган митти кўзача, шунингдек, яна мис тангалар топди. Будда ҳайкали парчалари топилганини кўрган япон олимларининг хурсандлигини айтмайсизми!

— Шарқ тарихи мени кўпдан бери қизиқтиради, — дейди қадимшунослар раҳбари 70 ёшли профессор Като Кюдзо. — Археология, этнографияга оид 20 та ишни рус тилидан япончага таржима қилганман. Японияда бу ерда топилган экспонатлар кўргазмасини ташкил қилмоқчиман. Узбек археологлари ўз ишларига меҳр қўйган, истеъдодли кишилар эканлигини кўриб, қувондим.

Экспедицияга ҳамроҳлик қилган Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор Тўхтасин Ғафурбеков-синн ташкил қилмоқчиман. Узбек археологлари ўз ишларига меҳр қўйган, истеъдодли кишилар эканлигини кўриб, қувондим.

Экспедицияга ҳамроҳлик қилган Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор Тўхтасин Ғафурбеков-

...Археологларнинг халқаро лагерида кечирган кунларим кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Хайрлашув куни ҳам етиб келди. Археологлар ишга бориш учун автобусга чиқишди, мен эса уларга ҳавас билан қараб қолдим. Кўнглимда: «Бу ерга яна тезроқ қайтиб келсам эди», деган ният бор эди.

А. ОТАЕВА, [ЎзА].

ФАНГ ОЛАМ

ЭЛЕКТРОН ГАЗЕТА

● КОЛОРАДО штатининг (АҚШ) Боулдере шаҳридаги «Найт ривер» электрон лабораториясида электрон газета яратиш устида иш бошланди ва бу келгуси йилда амалда қўлланилиши кўзда тутилган.

Электрон газета одатдаги газеталардек буклланади ва ўша газеталар юпқалигида бўлади. Уни чўнтакка ҳам солиб юриш мумкин. Фақат у талайгина афзалликларга эга, яъни ўқувчи ўқишига автомат равишда имкон яратиб беради, саҳифалари ўзи варақланади.

Агар кишида кўриш хусусняти пастроқ бўлса, ҳечқиси йўқ, газета улар учун ҳам дарҳол мосланади: газетанинг керакли жойига тегилса бас, матн ҳарфлари йириклашади. Бундан ташқари газетада компьютерли луғат ҳам жойлашган бўладики, бошқа миллат вакили ўша луғат ёрдамида газетани бемалол ўқий олади.

Унинг яна бир афзаллиги бор: агар сиз рулда бўлсангиз-да, ундаги хабарлардан бохабар бўлишингиз мумкин, фақат газетанинг керакли жойига «туртки» берсангиз бўлди, саҳифада жойлашган компьютер ўзи овоз чиқариб ўқиб беради.

Дарвоқе, уни токка уласангиз, сизга ўша газетадаги керакли маколани ўзи печатлаб ҳам беради. Фақат бу газетага буюм ўрай олмайсиз, ёки ўқиб бўлганингиздан сўнг ташлаб юборолмайсиз, чунки кўзингиз қиймайди, олган жойингизга қайтариб берасиз.

СОАТИГА АТИГИ 7 КИЛОМЕТР

● МАЪЛУМКИ, ўзимизнинг республикамиз пойтахтида ҳам гоҳ-гоҳо транспорт тиқини содир бўлиб туради, бироқ ҳар қалай Механокодагидек эмас. Механокода эрталаб ва кечкурун кўчаларда транспорт шунчалар тиқилинч бўладики, натижада машиналарнинг ҳаракат тезлиги соатига атиги 7 километрга тушиб қолади.

АШАДДИЙ ХОТИНБОЗ

● ЯҚИНДА америкалик хотинбозни ёзган эдик. Бироқ дунёда ундан ҳам ўтиб тушадигани бор экан. Масалан, Ҳиндистоннинг Орнес штатида яшовчи 64 ёшли табиб Удай Кумар 90 марта хотин олиб, хотин қўйган.

Удай Кумар шармандалик деган иборани тан олмаса керак-да. Бўлмаса...

Кўнгил мулки

كونگيل مولكى

Қадрият

Сўнгги бурч

Каримжон ака Нўъмонов уч-тўрт йил нафақа ёшини яшадию, чоғроққина ҳовлисини, уч ўғил, уч қизини, бир этак невараларини ташлаб ҳаётдан кўз юмди. Дўстларининг ҳам бир ёни ҳувиллаб, сафлари бир киши ҳисобига сийрак тортди. Бутун маҳалла, бутун бир даҳа жанозага йиғилди.

Жаноза пайтидаги даври даврон бебаҳо, умр бевафолиги, шу боис ҳалоллик, ширинсуханлик, беозорлик, саҳоватпешалик хусусида гап борди. Менинг хаёлимда ёниқ бир чеҳра, очиқ дил, оиласига, дўстларига садоқатли Инсон — Каримжон акагагина хос яна қанча-қанча сифатлар жонланарди. Таърифлаш, таъкидлаш учун эса томоғига тиқилган алланарса йўл қўймасди...

Ҳамма марҳум ҳақига дуо ўқийди, кимдир унинг давралардаги хизматлари, кўнгил овлар гапларини такрорлаб кўз ёши тўкади. Мен ҳам бир ҳолда эдиму, аммо ёнимдаги қадрдоним унсиз, садосиз инграрди, унсиз, садосиз елкаси билан йиғларди...

Жаноза соат ўн тўртга белгилангани учун унга рухсат берилди. Касал, беҳолгина эди. Уйига етибдию, мажоли қурибди. Ҳуш-беҳуш йиғлаб ётибди. Бундан ўғли орқали огоҳ бўлдик.

— Каримжоним қандоқ эди-я! Мен... сўнгги бурчимни ўтолмадим. Кечирармикансан, дўстим!

Армонли қоврилаётган бу одам жўраларимиздан бири эди. Биз дастлаб йигирма етти киши гап-гаштакда қатнашдик. Ўттиз олти йил бир товоқдан ош едик. Ғамнок пайтларимизда — дардкаш, тўй онлари — камарбаста ва кўрк. Обиджон Мақсудов, Абдуқаҳҳор Банноев, Азиз Турсун, Шўхий, Ғулом Мўмин, Маҳмуджон Эгамбердиев, Абдумажид Валихонов, Абдуллажон Қозоқбоев, Бурҳониддин Бузрукшоев — маорифчи, журналист, шоир, тиш шифокори, савдо ходими, мирза эди улар... Оилада ҳам, иш жойи ва жамоа орасида ҳам бообрў, масъулиятли кишилар эди. Анчайин одоб талабларини мен улардан олишга интилардим. Каримжон ака кетиб яна бир жўрага камайдик...

Дарвоқе, СЎНГГИ БУРЧ... Буни ҳамма ҳам бирдай ҳис қила олармикин? Бу бурч масъуллигида чинакам фарзандлик, дўстлик, шогирдлик, инсонийлик қадр-қиммати ётганини билувчилар кўпмикин? Минг таассуфки, сўнгги бурчга лоқайд қаровчилар ҳам бор-да, ахир!

Бир кўча нарида бутун умрини от-арава қилишга сарфлаган отахон қўл-оёғи ишламай узоқ ётиб қолиб, охири қазо қилдилар. Касалликларида кўнгил кўтаришга вақт тополмаган колхозимиз раҳбарлари лоақал сўнгги бурчни ўташда ҳам кўринмадилар! Хайрият, битта юк машинасини жўнатиб, «вазифа»ларини адо этишди! Яқин эллик йил қалб қўри, кўз нурини ёшларга тарбия бериш ва таълим ўргатишга бахшида этган Каримжон аканинг сўнгги йўлида халқ таълими бошлиқларидан кимлар қатнашди, қайси бирлари фурсат топиша олди экан? — ўзларига ҳавола!

Ўн битта эшик нарида туғишгандай бўлиб қолганим бир хонадон бор. Йўл-йўлакай кирсам, опа кўзойнак тақиб кўрпа қавияптилар.

— Суюнчи беринг, акаси, суюнчи! Ўғлим бораман деб хат ёзипти! Бошқа билан яшаса ҳам кўз олдимда бўлгани яхши-да, акаси!

Онахон ўғлини уруш қийинчиликлари, қовуриб оладиган ҳижронлари ичра катта қилган эдилар. Армиядан қайтдию, ўн кунгина туриб, бир сўз ҳам айтмай кетганича дараксиз эди. Она назарларида гўё инсофга кептида! Йўқ, йиллар волидаи мўътабар қаддини заҳарлаб улгурган экан: уйимизга кириб, ҳамон ўлтирмаган эдимки, изма-из совуқ хабар келди: ҳалиги севинганидан яйраб кўрпа қавиётган она мукка тушибдилар! Ўша заҳоти укалари тегишли манзилга симхат жўнатди. Лекин болам деб юраги хун бўлган муштипарни ўғилнинг сўнгги бурчисиз кузатдик. Қорлар эриб, излар йўқолгач келди бевош! Суҳбат ичида «Симхат борибдими?» десам, пинагини ҳам бузмай, «Ҳа» деб айтди. Баданларингиз зирқирамайдими?!.. Онаси олдидаги сўнгги бурчини ҳам ўтамади бу тошбағир ўғил!

Ҳамма фарзандлар ҳам шунақа дийдасизми? Асло! Академик, машҳур математик олим Маҳмуджон Салоҳиддинов Тошкентдай азим жойдан келиб, тиз чўккан ҳолда падари бузруквор оёқларини уқалаб ўлтирганларини кўрганман, ота олқишларига гувоҳ бўлганман... «Дадамнинг овозларини ёзиб олай» деб қарзга магнитафон сотиб олган ўғилларни биламан! Ҳа, ота-она кўнгиллари мисли гул, нафаслари олтин, дуолари эртанги ҳаёт, буюк келажак, ҳеч-ҳеч адоғи йўқ бойликдир.

Тўғри, баъзиларимиз иш важидан, лавозим, касб, ҳунар тақозоси билан ота-оналардан олисда яшаймиз, сафар йўлларида бўламиз. Аммо мартабали бўлиб туриб кўнгил олиш борасида нописандлик қиламиз. Хабар эшитсак ҳам қабр тупроқлари эскиргандан кейин борамиз. Сўнгги бурчга бундай бефарқликнинг юқумли иллати қўл остидагиларга, фарзандларга ўтиб қолса-чи?! Ё алҳазар!..

Худога минг қатла шукурлар бўлсинки, Каримжон аканинг фарзандлари отани мўлтиратишмади. Бири қўйиб, бири қаради. Қазо қилмасликларидан ўн беш кун аввал газлаштириш ишчиси Анваржон бошлиқ ўғил, қиз, куёв, инилари, жамланиб, ўқишни битирибоқ ишлаган Нанай, Поромон қишлоғидаги дўстларидан, Намангандаги 4-мактаб ҳамкасбларидан вакиллар чорлашди, гапгаштакдаги биз — жўраларини йиғишди, баҳоли қудрат дастурхон ёзишди, сувратлар олдиришди, эл гувоҳлигида ота дилини яйратишди. Бундай меҳрни, эсдан чиқмас фарзандлик мурувватини кўрган ҳалиги қадрдоним яйраб-яйраб гапирган, салпал ўйнаган бўлиб (тоби йўқ эди-да), кўпга қўшилиб олқаган эди. Сўнгги дўстлик бурчини адо этолмай қолганига ўкинаётгани, қаттиқ алам қилаётгани балки шундандир...

Сиз ҳам ҳамкасб, қадрдон, устоз, ё ҳаммаҳаллангизни сўнгги йўлга кузатишда СЎНГГИ БУРЧИНГИЗНИ адо этиш учун шошасизми? Эртанги маросимига-чи?

Нуриддин БОБОХУЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.
Наманган.

Дилнома

ЁЛҒИЗЛИК

Сен мени ёлғиз деб ўйлама,
Менинг оқ терагим, турналарим бор.
Сен менга муҳаббат ҳақда куйлама
Ишқимга бу қўшиқ, бу кенгликлар тор.
Уйларим-ўйларим мени айбламанг
Ҳаммаси ёлғондир, мен ёниб зор-зор.
Кутаман, кутаман келмайди бироқ
Кўнглимга илиқлик бергувчи баҳор.
Йўқ, сен куйлагин, куйла йўловчи,
Ёқимли овозинг сеҳрига мастман
Менинг кулхонамга ўтин қаловчи
Куйлайвер йўловчи, мен сенга дўстман
Табиат қўйнида танҳо тингловчи
Узимман ва мендан ўзга ҳеч ким йўқ.
Кўзларим куйдирар кўзингдаги чўғ.
Сен фақат куйлагил ёлғиз йўловчи.

ШАҲРИБОНУ
ТошДД талабаси.

— БАРИБИР МЕНИ ЕНГОЛМАЙСАН.
— СЕН ҲАМ!

Аъзамжон **МИРЗАЖОН** олган сурат.

МАЪРИФАТ — УЧИНЧИ КЎЗ

Уларнинг исмлари Сизларга жуда таниш. Овозлари эса исмларидан кўра-да танишроқ. Чунки бу овозлар ҳар кун бир неча бор қалбингиз деворларини тақиллатади, гоҳ ҳайрат, гоҳ умид, гоҳ соғинч, гоҳ безовталик бўлиб таралди бу овозлар...

Ўзингиз лоқайд бўлмасангиз, бу овозларни лоқайд эшитмайсиз, эшитолмайсиз.

Бу гапларни республикамиз радиосининг болалар ва ўсмирлар (ҳозир маориф ва тарбия) таҳририятида жон куйдириб ишлаётган барча ходимлари ҳақида айтиш мумкин.

...Аммо мен бу гал Муаттар Усмонова ва Насиба Зиёвуддиновалар ҳақида сўзлашни истадим. Чунки уларни кўпроқ биламан. Суҳбатимиз қандай мавзуда бошланмасин, ҳар гал болаларга келиб тақалади.

— Муаттар, биз доим катталарни болаларимизга ибрат қилиб кўрсатишга ўрганганмиз. Мана, Сиз Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётини тугатганингиздан буён шу таҳририятда — болалар билан бирга ишлайсиз. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, болаларнинг ҳам катталарга ибрат қилиб кўрсатадиган жиҳатлари борми?

— Мен асосан, ўсмирлар тўғрисида эшиттиришлар тайёрлайман. Ўсмирлик бу болалик ва катталик орасидаги энг нозик зинапоя. Биласизми, боланикнинг кўзи кўпроқ мўъжизаларга тушади. Уларда энг кучли туйғу — ҳайрат. Ўсмирликда ана шу мўъжизалар бироз рангсизлашган бўлади. Лекин барибир ўсмирлик ҳам мусаффо олам. Ўсмирлик ҳали бошини тошларга урмаган бўлади. Ўзига ишончи бўлади. Умиди нимжон эмас, бақувват бўлади. Мен айнан шу жиҳатини ибрат қилиб кўрсатгим келади. Катталарнинг қалбида ҳам ўзига, ўз қалбидаги эзгуликка ишонч бутун бўлса, дейман.

Қутлибека опа, дарҳақиқат, бола қалби билан қолмоқ, қолганда ҳам жамиятда яшамоқ осон эмас. «Шу одам болага ўхшайди, тавба-ей»... деган ажабланишларни ҳам эшитганмиз-ку... Лекин барибир болаликдан нимадир қолиши керак. Болалик, ўсмирликни катталарга такрор-такрор эслатиб туриш керак деб ўйлайман. Сиз айтган ибрат ҳақидаги фикрим — шу.

— Насибахон, Сиз Муаттардан ҳам кўра болаликка яқинроқсиз. Сизнинг «Келажак тонги» эшиттиришингиз қаҳрамонлари боғча болалари, бошланғич синф ўқувчилари...

— Болалардаги самимият сақланиб қолса дейман.

— «Қандай қилиб сақлаймиз?» — деб ҳам ўйлайсиз-а...

— Бўлмасам-чи... Болаларни маърифат, фақат маърифат сақлайди. Биз Муаттар билан бу ҳақида жуда кўп ўйлаймиз.

— Рост, Қутлибека опа, биз маърифатни бола юрагига ўтқазилган ниҳолга ўхшатамиз. Ниҳол, агар парваришланса, дарахт, шовуллаган дарахт бўлади. Инсон унинг фақат япроқлари, фақат мевасидан эмас, қариб-чириган ёғочидан ҳам баҳраманд бўлади. Ахир, ёғоч ўтин бўлганда ҳам ҳарорат беради-ку. Шунинг учун болаларимизни ўқитишимиз, астойдил ўқитишимиз керак. Бошқа ҳамма нарсалар ўткинчи. Фақат маърифатли қалб собит, деган ақида ҳар бир ота-она учун муқаддас тузук бўлиши керак...

— Қани энди, Муаттар бу гапингизни ҳамма эшитса, ҳамма ўйлаб кўрса... Насибахон, шу хусусдаги Сизнинг фикрларингизни ҳам билмоқчийдим.

— Бир мактабда ўтказилган адабий кечадан сўнг болалар олдига бориб, мана сизлар Нодирабегимдай мумтоз шоирага бағишлаб кеча ўтказдиларинг... Шу вақт мобайнида шоира ҳаёти, ижодини ўргандиларинг, бу ўрганиш Сизларга нима берди, десам, болалар бир-бирига қарашди. Муаллимаси эса: «ҳай, оповси, булар буни қаттан билади, бор Собир акангни чақир, ўша айтади», дейди. Собир акаси методист ўқитувчилари экан. «Ҳа, сиз ўзингиз нима учун тайёрладингиз?» — десам, «Ҳа, энди, категория деган гаплар бор» дегандай ишора қилдилар... Биласизми, шундай ёмон бўлдим.

— Қўйинг, Насибахон, шундай ўйлаганингиз ҳам бир парча бахт. Барибир жамиятдаги ўзгаришлар болаларимизда аксланади. Сиз шуни сезаяпсизми. Болаларимиз «мустақиллик», «Озод Ватан» деган тушунчаларни қандай англаяптилар? «Меники, шу Ватан, миллат меники» деган туйғу ўсаяптими уларда?

— Мен яқинда бир синф ўсмирларга бир хил савол бердим. «Қайси давр яхши, беш-олти йил аввалгими ё бугунгими?» Жуда кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди.

— Фақат уларга муттасил умид сувларини сепиб туриш керак, ўзингиз айтгансиз-ку, «Тангрим, дил у ойина умид сувини соч» деб... Шу умид сувининг бир қатраси — фикрлаш...

— Сизлар кейинги эшиттиришларингизда фикрлаш, ўз фикрини баён этишга кўп эътибор бераяпсизлар...

— Ҳа, болаларни бир доира ичида айлантиравермаслик керак. Ўз фикрини айтишга, ҳимоя қилишга ўргатиш керак...

Мен бундан анча йиллар илгари Москвага борганимда бир ўсмир бола билан суҳбатдош бўлганман. Бола мен билан музейларда, ўрмонда, йўлларда бирга бўлди ва ҳамма жойда — ҳамма мавзуда бемалол суҳбатлашди.

— Муаттар бу яна ўша ўзингиз айтган маърифат — учинчи кўз масаласига бориб тақалади.

— Қутлибека опа, шу ерда бир шеър ўқисам...

— Ўқинг, Насибахон!

— «...Мен эса мўъжиза
кутаман сендан,

**Қолган нарсаларнинг
майли ҳаммасин**

**Хотиржам кузатай
сўнгги йўлга мэн...**

**Дунё — ҳоҳишларнинг
тор бир қафаси,**

**Истакларнинг тор бир
қафаси — дунё,**

**Барибир мўъжиза
кутаман сендан...**

— Насибахон, Муаттар, сизларга болаларнинг берган энг катта дунёси шу — яшашдан мўъжиза кутиш туйғуси бўлса керак. Сизларга ҳавасим келаяпти. Лекин яна бир нарсани сўрай. Иккингиз ҳам онасизлар. Қизларингиз, ўғилларингиз бор, бекасизлар. Бу ерда уззукун иш... қачон қарасам, чопиб юрасизлар... Тўғрисини айтинглар, ишларингдан зерикмайсизларми, ташлаб кетгиларингиз келмайдими?

— ...Рост, ишимиз оғир... аёл киши учун оғир... Лекин ташлаб кетолмаймиз... атрофимизда жуда яхши ҳамкасбларимиз... яна шунча болалар... болаларни ташлаб кетган аёл аёлми?

— Муаттар, билан доим бирга ишлаб, деярли бир хил ўйлайдиган бўлиб кетганмиз... Болаларни ташлаб кетишга кўзимиз қиймайди, ахир, улар ҳам ўзимизники-да!

— Раҳмат, сингилларим! Болалик ҳам софлиги, кучи, орзулари билан Сизни тарк этмасин!

ҚУТЛИБЕКА суҳбатлашди.

ҚАСАЛХОНА ҲОВЛИСИДА КУЗАТГАНЛАРИМ...

Касалхона дарвозасидан Она кирмоқда. Бир қўлидан тутган соғинч — фарзандини кўриш истаги тезроқ юришга ундайди. Иккинчи қўлидан маҳкам ушлаган бурч ҳам унга ҳамроҳ. Фарзандининг аҳволи тобора яхшиланаётгани ҳақидаги хаёл Онанинг безовта кўнглига таскин бериб келмоқда...

* * *

Дарвозадан ўғил киради. «Онамнинг ҳоли нима кечдийкин! Мендан бўлак ҳеч кими йўқ-ку» — деган саросимали туйғу — бурч уни тортқилаб югуртириб келмоқда. Онасини кўриш истаги — соғинч ҳам ортда қолмайди. «Кейинги топиб келган дорим кор қилса шояд» — деган умид ўғилнинг бошини силайди.

* * *

Касалхона дарвозасидан Эр-Хотин кирмоқда. Икковининг ҳам дилида бир пайт оилаларига кўрсатилган одамгарчиликни қайтариш истаги — миннатдорлик-қарздорлик ҳисси ҳукмрон...

* * *

Касалхона дарвозасидан бир Одам кирмоқда. Икки қўлига турли неъматлар тўлдирилган халталар осилган, кўзлари олазарак бу кимсанинг ёнида ҳеч КИМ кўринмайди — на бурч, на соғинч ва на миннатдорлик.

«Бошлиғимнинг кўнглини овлаб, меҳрини қозонсам, идорада зора мавқеим кўтарилса» — деган хаёл хипчин қилиб олган бир илинж бўйнига миниб олган холос.

Қодиржон
ҲОШИМОВ.

Тутилмаган гаплар

ҚЎЙЛАРНИНГ БОБОСИ

Телевизор томоша қилиб ўтириб бирдан эчкини кўриб қолган уч ёшли Жасурбек шошиб деди:

— Ана, ана, қўйларнинг бобоси.

ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИМ

Кўчадан ҳиққиллаб йиғлаб кириб келган икки ёшли ўғилчасидан онаси сўради:

— Нима бўлди қўзичоғим, нега йиғлаяпсан?
— Болалар билан бекинмачоқ ўйнаётгандим...
— Хўш, хўш?
— Мени галим келганда ўзим йўқолиб қолдим.

МЕН БОРМАН

Икки ёшли Шохбоз қўлидаги ойначани онасига узатаркан қиқирлаб кулиб деди:

— Қаранг, ойи, қаранг ичида мен борман.

ТИШИНИ ОЛИБ ҚОЛИШИБДИ

Уч ёшли Жасурбекнинг онаси туғруқхонадан қайтгач, уйдагилар чақалоқни ўраб олишди. Жасурбек ҳам қизиқсиниб укасининг митти қўлларини ушлаб кўраркан бирдан чақалоқ йиғлаб юборди. Шунда Жасурбек шошиб онасига деди:

— Ойи, дўхтирлар чақалоғимизнинг тишларини олиб қолишибди.

КЕЧҚУРУН ЎЙНАЙМИЗ

Уйга чопиб кириб келган уч ёшли Жасурбекни дадаси эркалатмоқчи бўлиб қучоғини очди:

— Қани, ўғлим, бир ачом қилайлик-чи?

Жасурбек ниманидир излаб хонани бетоқатлик билан кўздан кечираркан, деди:

— Шошиб турибман дада, коптогимни олиб чиқаман, деб кирувдим. Сиз билан кечқурун ўйнаймиз.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

БИР КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Бир қарағанда, тўкис аёлман. Эрим фан доктори, ўзим шифокор, ўғлим, қизим, машинам, ҳатто участкам ҳам бор.

...Ҳолбуки, мен шукур қилиши керак бўлган аёлман: эрим ичмайди, чекмайди.

Ёшим улғайди, дадамнинг ҳоҳиши билан шифокор бўлдим, ҳаёт тарзим ўзгарди, туйғуларим эса шундайлигича қолаверди.

Шеърни, қўшиқни севаман. Эрим билан тоғларга чиқиб кетгим, шалола сувларидан ҳовучлаб-ҳовучлаб сочиб ўйнагим келади...

...Яқинда эрим билан Муқимий театрига «Юсуф ва Зулайҳо» мусиқали драмасини томоша қилгани бордик, шунақа зўр безаклар, қўшиқлар, ранглар... Ўша оламдан, хаёлан чиққим келмайди, эримга «Яна борайлик» десам «Бола десам, бола эмассиз...» деб ғаши келди... Лақабим кўп, биров «Анна Каренина» дейди, биров яна бошқача атайди...

...Баъзан ҳаммага ўхшагим келади, бироқ ҳаммага ўхшаган «мен» мени тез зериктиради. Дунёда яна бир менга ўхшаган аёл борминкин...

РАЪНО.
Тошкент.

«Олтин нафас»

Умидли дунё, одамзот, қолаверса, ёруғ оламдаги ҳар бир мавжудот, наботот бу тонгни ажиб бир илинж билан қаршилайди. Бу илинжни уларда бўй кўрсатаётган умиднинг маҳсулига синчиклаб қараган ҳар бир инсон сезади. Қаранг, кечагина гулга кирган куртаклар вақт ўтган сари ширин-шакар мевалар туга бошлади. Кечагина биз ерга қадаган уруғлар эртага бир яхши ҳосиллар беради. Демак ,кўриб турганимиздек ҳар бир орзу — умиднинг рўёбга чиқиши учун фурсат керак экан. Мен бугунги Ўзбекистонни эзгулик уруғини ерга қадаган боғбондай бўлишини тилардим.

Янги кун бошланяпти, мен шу тобда янги куннинг остонасида шундай тилак қилгим келади: «Эй, осмон, эй замин, эй маъсум тонг, бугун мана шу замин ўғлонлари, моҳпора аёллари ибодат устида айтган саловатларини, ўтиниб сўраган тилакларини, қилган дуоларини ижобатга ол, мустажоб қилғил, токи бу юрт аҳли яхши ният билан қилинган ҳар ишга фаришталар ҳам омин деб, туришларига гувоҳ бўлсинлар!»

Мен ҳаётда ҳамиша яхшиликка интилувчи, яхши ният қилувчи одамман. Бир кун келиб, ҳаётимизнинг ўз измига тушиб кетишига ҳам ишонаман. Аммо ишончнинг ўзи камлик қилади. Ишончга пешвоз чиқмас экансиз, у остонангизданоқ қайтиб кетиши мумкин. Сиз ҳам яхши ният қилинг! Мен руҳшунос эмасман, аммо яхши ният билан мўъжизалар яратиш мумкинлигига ишонаман.

Олам мўъжизалар майдони экан. Биз ҳаётда кўп нарсаларга бефарқ қарашга ўрганиб қолганмиз. Айримлар ҳатто ҳайратнинг не эканлигини ҳам унутиб қўйишган. Бу дунёдаги энг сирларга кон вужуд инсон вужуди экан. Биласизми, инсон бир дақиқада ўртача 20-25 марта, бир кеча кундузда эса 30 минг мартадан ортиқроқ нафас олар экан. Томирнинг уриш эса 120 мингга етиб борар экан. Ана шу нафаслар ичда биттаси олтин нафас дейилар экан. Бу ривоятни менга ҳам шоир Олимжон Холдор айтиб берганди.

Айтишларича, кимда-ким «олтин нафас» келган вақтда нима нияту, нима тилак қилса, албатта ўша тилаги ижобат бўлар эмиш.

Ўзимиз яшаб турган шаҳарнинг Далварзин даҳасида қатор дўконлар, расталар бўлар экан. Бу ерда халқ ҳунармандлари, усталар ишлашаркан. Косиб халқи жуда инжиқ таъб, ўз дунёси бор кишилар бўлишади. Ана шу усталар орасида энг машҳурларидан бирининг ёлғиз ўғли бўлиб, анча эрка ўсган экан. Ўғил деярли ҳар куни устахонага келиб, отасига пўписа қилар экан:

— Қани, ота пулдан чўзинг, агар бермасангиз дўконларингизни ҳам сотиб юбораман. Чўзинг, чўзинг...

Ота ўғлининг бу сўзларини эшитиб, ранжиса ҳам, ҳафалигини сездирмай мулойимлик билан сўзларкан:

— Оббо, ўғлимей, нима, пул керак бўлиб қолдими, мана ўғлим, ҳозир-да, мана олинг...

— Эй, бу нима бўларди, қолганиниям беринг, — ўдағайлар экан ўғил, — қолганиниям беринг, сиз барибир бунча пулни нимаям қилардингиз!

Ўғил отанинг бор бисотини олиб, қандайдир қўшиқни ҳиргойи қилганича раҳматни ҳам нася қилиб кетаркан. Ота эса ўғлининг орқасидан ҳавас билан тикилиб қоларкан.

— Ажойиб ўғлим бор-да, ризқинг улуғ, мартабанг баланд бўлгур, худо хоҳласа ажойиб одам бўлади. Ота-онасига вафодор, дўстларига садоқатли...

Отанинг ҳамкасблари унинг юзига айта олмасалар ҳам у кетгач, ортидан бир-бирига гап отишарди:

— Уста бола тарбиясга яхши эътибор бермай, уни талтайтириб юборди. Катта бўлгач, ҳали кўп ҳунарлар кўрсатади, бу бола...

— Эй, нима сал тийиб қўйса бўлмасмикин?..

— Шундай дейсизлар-у устагаям қийин-да, уриб, сўкиб, тўғри йўлга солишга кучи етмаса, нима қилсин...

Аммо уста уларнинг ўғли ҳақидаги гап сўзларини орқаворотдан сезиб турса ҳам, ҳеч қачон ўғлидан хафа бўлмас, мумкин қадар уни яхши гап билан кузатиб ортидан дуо қилиб қоларди. Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб, ўша устозларини ранжитиб, отасининг ҳамиша қарғишини эмас, дуосини олган бола кўп ўтмай бирдан яхши томонга ўзгаради-ю, охир-оқибатда шаҳарнинг обрў-эътиборли фаол кишиларидан бири бўлиб етишади. Қаранг ота, ҳатто, жонидан тўйганда ҳам, ўғлини қарғашдан ўзини тияди, дуо қилади.

Бу ҳикояни эшитгач, яна бир бор, яхши ниятнинг зое кетмаслигига амин бўлдим. Эҳтимол, ҳаётда ҳар доим ҳам шундай бўлиб чиқавермас, лекин шундай бўлса ҳам ана шу «олтин нафас»га ишониб яшасак яхшийди...

Миҳожиддин МИРЗО,
журналист.



ТАРВУЗ ДЕГАНЛАРИ ШИРИН БЎЛАРКАН-А?!

Муҳаммад АМИН сурати.

Болалар сизлар учун

Соғлом авлод ватани

«Гулхан» журналининг 7-8-китобчаси Марзия Эрдонованинг «Юрт сўрашга қодир фарзанд бўл!» бош мақоласи билан бошлангани бежиз эмас. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши, унинг она ва болаликни муҳофаза қилишда, боғча ва мактабларда, табиатимиз муҳофазасидаги беқиёс аҳамияти ўз аксини топган.

Ўзбекистон халқ шоираси, республика хотин-қизлар қўмитаси раисаси, «Саодат» ойномаси Бош муҳаррири Ҳалима Худойбердиеванинг журналда чоп этилган шеърлари ҳам юқоридаги мавзунинг узвий давомидек кўринади.

Дилнинг энг тубида
етилган байтдек
Сизни туморим деб,
борим деб айтдик,
Биз-ку не ҳасратда
Сизни улғайтдик,
Сиз биза ҳасратлар
йўлламагайсиз.

Ўтмишини билмаган миллатнинг келажаги йўқ. Шу маънода истеъдодли шоир Хуршид Даврон қаламига мансуб «Искандар Мақдуний ва сак чўпони» ҳикояси ҳам алоҳида маъно касб этади. Ҳикояда улуғ юнон ҳукмдори Искандар Мақдунийнинг инсонийлиги, ақл-заковати, одиллиги тасвирланади. Айниқса, сак чўпонининг ўқ узиб хато қилишдан кўра ўлимни афзал кўриши Искандарни ҳанг-манг қолдиради. У: «Ориятли халқ билан жанг қилиш учун ориятли бўлмоқ керак», — деган хулосага келади.

«Темурнома»дан олинган бир парча ҳам Искандар Мақдуний айтмоқчи ориятли халқнинг улуғ соҳибқирони Амир Темур фазилатларининг янги бир қирраси ҳақида ҳикоя қилади. Сипоҳлари қипчоқ қўшинлари устига бостириб кираверайлик дейишса ҳам Амир Темур кўнмайди. Асираларга бор, улар оёқ тагида қолишади, дейди. Сўнгра Соҳибқироннинг бир ўзи қамалдаги шаҳарга кириб, асираларни озод қилади...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назирнинг шоир Усмон Носир ҳақидаги хотиралари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Олмоснинг «Бир ўчоққа бир сигир» эртаги, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовнинг «Доно халқнинг башоратлари» мақоласи, Ҳусайн Хефзийнинг «Насиҳати ҳукамо ва мақолоти кубаро» китобидан парча, фаранг адиби Мишел Бюторнинг «Мўъжаз кўзгуча» ҳикояси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари шоир Мирпўлат Мирзонинг шеърлари, Афғонистоннинг таниқли қўшиқчиси Аҳмад Зоҳир ҳақидаги, Маъсума Аҳмедова ва Замира Иброҳимоваларнинг мевали дарахт ва гулларнинг шифобахш ҳосиятлари ҳақидаги мақолалари, Суюн қизи Оқилабегимнинг «Сирли тун» ижодкорлар бугунги кунда олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда, адабиётнинг сермашаққат йўлида тинмай изланишмоқда. Журналнинг бу сони ҳам бундан беистисно эмас. Унда шаҳрисабзлик Гулноза Мўминова, пешкулик Ирода Орипова ва янгийўллик Феруза Бойбуллаеваларнинг шеърлари чоп этилган. Умидли ёш ижодкорлардан Феруза нинг «Умид юлдузлари» шеърида, жумладан, шундай сатрлар бор:

Эрта юлдуз бўлиб кўкда
порлайсиз,
Нурингиз ёритар
кўҳна жаҳонни.
Элларни бирликка,
халққа чорлайсиз,
Бирлаштиражаксиз
бир кун Туронни.

«Юрт сўрашга қодир фарзанд бўл!» мақоласида: «Ҳали бирор мамлакат бола парваришини давлат миқёсига молик даражага кўтаргани йўқ», — дейилади. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон болаларига, келажагига бўлган эътибор бугун ҳар кунгидан зиёда. Истеъдодли болалар учун лицейлар, гимназиялар, коллежлар, нафис санъат мактаблари очилмоқда. Иқтидорли болалар чет эллардаги етакчи дорилфунунларга ўқишга юборилмоқда. «Истеъдод», «Улуғбек» жамғармалари кенг фаолият кўрсатишмоқда. Яна шуни ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этиб ўтиш лозимки, юртбошимизнинг махсус фармони билан болалар ва ўсмирлар матбуот нашрлари давлат қарамоғига олинди. Шулар қаторида «Гулхан» ҳам ўз мухлислари — болаларнинг севимли ойномаси бўлиб, Ўзбекистон келажаги, соғлом авлоднинг ҳимоячиси бўлиб хизмат қилаверади. Мақола сўнгида: «Шу юрт, шу тупроқ, шу Ватан бизники, Ватанни Ватандек суймоқ, Ватандек асрамоқ учун эса соғлом, фозил, зукко авлод даркор», — деб хулоса қилинади.

Яна ва яна «Гулхан»нинг муқовасига кўзингиз тушади: чаманзор ичра она ва бола... Мурғак гўдак лабларини қимтиб-қимтиб она сутидан баҳраманд бўлмоқда. Она сутидан муқаддас нарса йўқ дунёда. Соғлом авлоднинг Ватани ҳам, келажаги ҳам она сутидан ўз ибтидосини бошласа ажаб эмас.

Дилшод НУРУЛЛОҲ,
«Гулхан» журнали масъул котиби.

Йўлингиз бехатар бўлсин

Болаларнинг айби нима?

Оққўрғон ва Пискент туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларининг иши қониқарсиз деб топилди. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия ана шундай хулоса чиқарди.

Текширишда маълум бўлишича, мазкур туманларда маст ҳайдовчиларнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисалари кўпайди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Фақат қаттиқ назорат ўрнатиш, айбдорларни қаттиқ жазолаш керак, холос. Автокорхоналарда йўл ҳодисаларининг олдини олиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳокимликларнинг махсус комиссиялари эса йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларни қатъий жавобгарликка тортиш ўрнига ташкилий-ахборот тусидаги масалаларни кўриб чиқиш билан шуғулланмоқда. Ишларнинг аҳволи учун аниқ ҳеч ким жавоб бермайди.

Бу соҳада тартиб ўрнатиш зарур. Бунинг устига, ҳалокатларнинг олдини олиш соҳасида яхши тажриба ҳам бор. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль назорати бошқармаси «Автоҳаваскорлар» жамиятининг вилоят кенгаши, «Тошвилоятйўловчитранспорт» концерни ва унинг корхоналари, жамоатчи назоратчилар вакиллари билан биргаликда «Мотоцикл» ва «Автобус» деган шартли номлар билан ҳалокатларнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширган пайтда йўл транспорт ҳодисалари анча камайди. Бунинг сабаби фақат йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахслар қаттиқ жазоланганидагина эмас. Жамоалар ва ҳайдовчилар ўртасида фаол иш олиб борилди. Бунинг натижаси ёмон бўлмади. Бинобарин, бу соҳада қисқа муддатли кампаниялар ўрнига ҳар куни тинимсиз иш олиб борадиган пайт келди.

П. НИШОНОВ,
В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Жиноят ва жазо

Очкўзлик сиртмоғи

«Кимки бирор гуноҳ ишни кўрса, қўли билан тўхтатсин, агар қодир бўлмаса тили билан қайтарсин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса дили билан ёмон кўрсин...»
Пайғамбар ҳадисларидан

Ташқаридан қулфлаб кетилган уй ичида аланга милт этгандай бўлди. Лаҳза ўтмай ачимсиқ тутун ва олов ёнмаён жойлашган хоналарга ҳам сирғалиб кира бошлади. Бешикда 7 ойлик чақалоқ қолиб кетган эди. Дунёда разолат ва ваҳшийлик нималигини фаҳмлаб етмаган гўдак тутун ичида безовталаниб меҳрибонини излай бошлади. Сўнгра, мунчоқдек кўзлари ачишиб, ёшга тўлиб чирқиллаб йиғлашга тушди. Бу манзарани қоронғуда туриб бироз кузатган шарпа биров келиб қолишидан чўчигандек девор ёқалаб тезда ўзини панага олди.

Олов ҳамласи тобора яқинлаша бошлади. Бир сония икки... уч... Ҳаёт билан ўлим орасидаги чегара қисқариб борарди. Гўдагини ҳалокат чангалида қолдирган она, қайдасан? Наҳот жигарбандингнинг мунгли фарёдини эшитмасанг?

Гўдак йиғиси пасая бошлади. Сўнгра бутунлай жимиб қолди. Самарқанд шаҳридаги хонадонлардан бирида рўй берган бу фожеа бефарқлик оқибати эдими ёки тасодифми? Йўқ. Кутилмаган бахтсиз ҳодиса ҳам эмас. Бефарқлик оқибати ҳам эмас. Она гўдагининг оҳу-ноласини эшитганда эди, юраги ёнмасмиди, бағрини тирламасмиди, жисму жонидан кечиб, ўзини ўтга урмасмиди?

У олисга кетиб қолмаган эди. Бешикнинг ёнгинасида-ю, аммо чақалоқ йиғисини эшитишдан аллақачон маҳрум. Кўзлари юмилган, қўл-оёқлари совуган, ажал уни ўз домига тортиб улгурган эди. Коронғи хонада она ва бола бир кечада нобуд бўлишганди.

Уша зимистон кечаси осмондаги ой ҳам бу кўргуликка чидаёлмай хира тортиб булутлар ортида юзини яширди. Бир жуфт юлдуз само бағрини чоклаб зулумот қаърига ғойиб бўлди. Бу не кўргулик? Тақдир шунчалар бешафқатми?

ТЕРГОВ
МАТЕРИАЛЛАРИДАН

1993 йилнинг 17 январида Темирйўл туманининг 9-уй, 85-хонасида ёнғин чиққан. Уй эгаси Карим Умаровнинг қўшнилари алангани ўчириб хона ичида қолган Мастура Ойхўжаева ва унинг етти ойлик қизчаси Мафтуна Умароваларнинг жасадини олиб чиқишди.

Рўй берган воқеа устидан 1993 йил 18 январь куни тергов ишлари бошлашни ўз зиммамга олдим.

Ф. МАРДИЕВ,
Темирйўл район прокуратурасининг бош терговчиси, II даражали ҳуқуқшунос.

Ёнғин дарагини эшитиб югуриб келган қўшнилар эшик қулфланганлигини кўриб, бироз иккиланиб қолишди. Бироқ, аланга ҳамласи кучайиб бораётганидан ноилож бузиб ичкарига киришди. Киришди-ю, оловни ўчириб ҳанг-манг бўлиб қолишди. Ташқаридан қулфланган хонада уй бекаси ва унинг чақалоғи мудҳиш воқеанинг сабабини билолмагандек, мижжа қоқмай ётишарди.

Демак, уларни кимдир шу куйга солган. Ким? Афтидан, жиноятчи узоққа кетиб улгурмаган, лекин қани унинг излари? Ҳамма ўз тахминини айтиш, милицияга хабар бериш билан банд. Коронғида ғойиб бўлган шарпа эса яна одамлар орасига суқилиб олди. Сўзлашга мадори йўқдек, кўзини ердан узмай бошқалар нимага қўл уришса ўшанга ўнгандек бироз телбаланиб юрди. Сўнгра секингина уй орқасига ўтиб боя улоқтирган жойдан калитни топиб гараж эшигининг ёнига қўйди-да, яна ғойиб бўлди.

Жиноят қидирув ходимлари уч кечаю уч кундуз тиним билмай маккор қотилни изладилар. Уша куни ёрдамга етиб келган қўшнилар ва бошқа кўпдан-кўп кишилар чақириб сўроқ қилинди. Шубҳали кишилар бирма-бир текшириб чиқилди. Илгари содир этилган шунга ўхшаш жиноятлар рўйхати синчиклаб ўрганилди. Ниҳоят, орадан уч кун ўтгандан сўнг қотил қўлга олинди. Қарангки, у узоқда эмас, қўл узатса етгулик масофада — Известия кўчасидаги уйда истиқомат қиладиган Шариф Исматов бўлиб чиқди.

АЙБЛАНУВЧИНИНГ
ШАХСИ

Исматов Шариф. 1959 йилда Самарқанд туманининг Хўжасаҳат қишлоғида туғилган. Оилалик. Тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Маълумоти ўрта махсус. Самарқанд шаҳар 16-ўрта ҳунар-техника билим юртини тугатган. Ҳарбий хизматга лаёқатли. Самарқанд уй-жой қурилиш бирлашмасида пайвандловчи бўлиб ишлаган. Илгари судланмаган. Темирйўл туманидаги Известия кўчаси, 9-уй, 75-хонада яшаган. Айблаш фикри бўйича 1993 йил 20 январдан буён Каттақўрғон шаҳар 7-тергов изоляторида сақланмоқда.

Тергов материалларидан.

Терговчи дастлабки сўроқ протоколига қайта кўз югуртирар экан, узоқ ўйга толди. Жиноятчининг маънавий дунёсини ўрганиш ва шу асосда бирдан-бир одилона хулоса чиқариш нақадар мушкул, чигал иш...

Машҳур изқуварлардан бири ҳар сафар жиноятга қўл урган кишининг ички дунёсини номаълум қалин ўрмонга қиёслаган экан. Бу ўрмонда офтоб нури тегмаган, одамлар кўзидан йироқ, ёввойи, тубан ҳиссиётлар пайт пойлаб турган қоронғи, хилват сўқмоқлар оз эмас деган. Разилликлар илдизини қирқиш учун қўлда болта билан ўрмонга кирган изқувар адашмаслиги керак. Акс ҳолда қабиҳ истакларни яширган сўқмоқ ҳам, буталар ҳам бир чеккада қолиб кетаверади. Ўрмоннинг, жамиятнинг бағрига офтоб тегмай қолаверади.

Терговчи бу хилдаги мудҳиш жиноятларга биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Кўп йиллик иш фаолияти, тажрибаси давомида инсонга нисбатан зўравонлик, разиллик, шафқатсизликларни кўраверибоқни қорадан ажратаверибкўзи пишган. Касби шу. Аммо ҳар гал содир бўлган жиноятга ундаган куч, воқеа сабабини охиригача таҳлил этмаса бўлмайди. Ғаразли мақсадда қилинганини, енгилтакликданми, тасодифанми — тергов учун, қайта шундай воқеа рўй бермасдан олдини олиш учун зарур.

Мана, қотил кўз ўнгингда ўтирибди. У тўрт вояга етмаган фарзандлари борлигини, жиноят кўчасига билмай кириб қолганини айтиб, жазони енгиллаштиришга уринаяпти. У ҳам одам. Лекин, одамийлик талабини унутиб махлуқ қиёфасига кирган, икки кишининг ёстиғини қуритган. Унинг қандай жазога лойиқ эканлигини, одамлар орасида яшашга ҳақи бор-йўқлигини суд ҳал қилади. Лекин барибир, терговчи ўз вазифасини совуққонлик билан охирига етказиши керак.

Маҳбусни яна сўроқ қилинадиган хонага олиб киришди. Айбланувчи Исматов аёлни ва унинг норасида гўдагини ўлдиришдек ғаразли нияти бўлмаганини, қарз масаласида чиққанини, лекин уй эгаси Мастура Ойхўжаева жеркиб ҳақорат қилганини, милиция чақираман деб бўлар-бўлмасга шовқин кўтарганини баён қилди. «Қўшнилар эшитиб қолмасин деб, оғзини қўлим билан беркитмоқчи эдим, ҳушидан кетиб йиқилди...» деди у. У ҳолда гўдакнинг ўлими ва ёнғин ҳодисасини қандай изоҳлаш мумкин? Жиноятни хаспўшлашга уриниш эмасми? Жабрдийда — марҳумнинг эри Карим Умаров қўшниси Исматов атиги икки кун илгари қарз сўраб келганда ўн минг сўм олиб кетганини айтди. Кейинги сафар Умаров уйда бўлмаган пайтда келган. Мақсад яна шунчаки қарз сўрашми, ёки... Тергов чуқурлашиб, мураккаблашиб борди. Яна ўнлаб кишилар гувоҳ сифатида чақириб сўроқ қилинди. Ниҳоят қотиллик ғаразли мақсадда, олдиндан пухта режалаштирилиб амалга оширилган деган хулосага келинди.

Ўша куни яъни 17 январнинг коронғи кечасида уй бекаси чақалоғини овунтириб, рўзғор ишлари билан банд бўлаётган эди. Эри қаёққадир чиқиб кетган, қачон қайтиши ҳам номаълум. Шу пайт эшик оҳиста тиқиллади. Лекин, овоз ҳадеганда чиқавермади. Бир муддат ўтгач, яна тиқиллади.

Ким бўлди экан, бемаҳалда сўроқлаган? Эри узоқдан овозини чиқариб келарди. Ёки ул-бул сўрашга чиққан қўшнилармикан?

Аёл аввалига бироз иккиланиб турди. Сўнгра юрак ютиб эшикни қия очди. Остонада қўшниси Шариф Исматов бетоқат турарди.

— Акангиз ҳали ишдан қайтмагандилар...

— Пул керак бўлиб қолди, янга. Қарзга бериб турмайсизми.

Бека тунов кунгиси-чи, деб ўйлаб жуфтламоқчи эди-ю, Шарифнинг важоҳати бежолигини кўриб индамай уйга кириб кетди. Очиқ қолган эшикдан Исматов ҳам ичкарига мушукдек сирғалиб кирди.

Киришга кирдию уй тўрида бир муддат каловланиб қолди. Эр-хотин қўшнилар ўзларига тинч, анча бадавлат яшашларини илгаридан пайқаб келарди. Атиги икки кун аввал ўн минг сўм қарз сўраганида нариги хонадан ҳеч иккиланмай дарров чиқариб беришганди. Бугун ҳам қарзга деб олиб қайтаверсинми? Шошилмаса-чи...

Аёл сумкасидан пулларни чиқариб санаётган эди, тилла тақинчоқлар столга жаранглаб тушди. Исматовнинг асаблари таранглашиб ортиқ кутишга тоқати қолмади. Бека аввалига қорнига келиб тушган кучли тепки зарбидан гандираклаб қолди. Ҳушини йиғиб улгурмай бақувват қўллар бўйнидан темирхалқадек қисиб бўға бошлади. Бешикда қолган чақалоқ нохуш воқеани сезгандек, безовталанди. Исматов қўлини бўшатганида аёл шилқ этиб полга ағанади.

Шу топда у кўл урган жиноятининг даҳшатли оқибатларини идрок қилишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. Идрок этганида доғдал гўдак тирик қолган бўлармиди? Лекин, тилла тақинчоқларнинг жарангидан виждони қарахтлашган Исматов беканинг сумкачасини қўлтиғига жойлаб из қолдирмай чиқиб кетиш йўлларини қидира бошлади. Аввал гўдак йиғисини қўшнилари эшитмаслиги учун телевизорнинг овозини баландлатиб қўйди. Сўнгра бир парча қоғозни ошхонада ёндириб гилам устига ташлади. Ёнғин ҳамма нарсанинг кулини кўкка совуриб, бостибости қилиб юборади. Шу ўйда у эшикни ташқаридан қулфлаб калитни бир четга улоқтирди. Ўзи эса қоронғилик қаърига ғойиб бўлди.

Дунёда кишининг энг хавфли душмани кўрқоқлик дейишган экан. У икки марта кўрқоқлик қилди, демак икки карра жазога лойиқ. Биринчи марта аёл ўлганини била туриб, бегуноҳ гўдакни омон сақлаб қолиш учун ўзида куч, журъат тополмагани, фош бўлишдан кўрққани. Иккинчи марта муқаррар жазодан қўрқиб терговни чалғитгани. «Уйга озгина олов қўйиб кетган эдим, менда болани ўлдиришнияти йўқ эди. Ёнғиндан сўнг озроқ вақт ўтиб воқеадан хабар топган қўшнилар олдида гўдакни ўзим қутқармоқчи эдим. Пул ва тақинчоқларни олганим жиноят Карим аканинг бўйнига тушмаслиги учун. Негаки, уйда ҳеч нарсага тегилмаган бўлса, демак, бегона киши кирмаган. Карим ака хотинидан қутилиш учун атайлаб ёнғин чиқарган деб ўйлашлари мумкин эди...»

Очкўзлик сиртмоғига илинган киши ўзини ҳам ўзгаларни ҳам ҳароб қилади. Шариф Исматовнинг айблов ишини кўриб чиққан вилоят суди у содир қилган ўта оғир жиноятда енгиллаштирувчи ҳолатларни топа олмади...

Воқеанинг интиҳоси ҳозирги қимматчилик қийинчиликлар даврида бировнинг кулфатига қўл иситиб шоҳона яшашни ихтиёр этган айрим кишиларга сабоқ бўлишини жуда-жуда истардим.

З. ТЎРАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

Театр:

«Шарқ—Ғарб»

Республикамиз бўйлаб Мустақилликнинг икки йиллигига қизғин тайёргарлик кетаётган айни кунларда санъат оламида яна бир хушхабар тарқалди. «Театр: Шарқ — Ғарб» деб номланган халқаро фестиваль ҳам ана шу қутлуғ байрам шори остида ўтади. Куни-кеча Ўзбекистон театр арбоблари иттифоқида фестиваль ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фестиваль ташкилий дирекцияси иш бошлаганига анча вақт бўлди. Унинг директори, профессор Бернора Қориева Ўзбекистонда биринчи марта ўтаётган бу фестивалга спектакллар алоҳида танлов йўли билан эмас, балки Туркия, Бельгия, Польша, Австрия, Грецня каби фестивалда қатнашиш истагини билдирган йирик мамлакатларнинг етук мутахассислари тавсиялари билан қабул қилинаётганини айтди. Шунингдек, оу анжуманда иштирок этиш истагини билдирувчи давлатлар сони кундан кун ортиб бораётгани қувонарли.

Ташкилий қўмита йиғилишида сўзга чиққанлар тадбирнинг асосини мақсади Шарқ ва Ғарбнинг кўҳна театр санъатн анъаналарини Тошкентда бирлаштириш, ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон саҳна санъатини тарғиб қилиб, дунёга танитиш эканлигини таъкидлаб ўтишди. Энг муҳими бу санъат анжуманн Мустақиллик куни байрами арафасида ишга тушиши мўлжалланаётган «Туркистон» театри базасида ўтиши театр ихлосмандлари учун айни муддаодир. Фестивалда намойиш қилинадиган 25 спектаклнинг айримлари шаҳримизнинг саҳна учун мослаштирилган яна олтита майдонида намойиш қилинади.

БОШҚОТИРМА

Азиз муштарий! Жавоблар шаклдаги белгиси бор хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Наманган вилоятидаги шаҳар. 2. Кийикларнинг бир тури, камёб жонивор. 3. Тарихда «Янги Ҳиндистон» бунёдкорлиги деган ном билан танилган давлат арбоби. 4. Шаҳар ёки туманнинг энг катта масжиди. 5. Ўзбекистондаги эстрада дасталаридан бири. 6. Ҳинд аёлларининг миллий кийими. 7. Пахта экини тури. 8. Турк-мўғул давлатлари бошлиқларининг қароргоҳи. 9. Айтганининг устидан чиқадиган танти одам. 10. Кўркам, серсоя дарахт. 11. Радиоактив кимёвий модда, металл. 12. Бадиий ижод соҳаси. 13. Танаси оқиш ва жуда қаттиқ дарахт. 14. Шеър банди. 15. Маълум ҳунарни ўргатувчи устоз. 16. Америко ёзувчиси, таниқли «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» асари муаллифи. 17. Мусиқа асарига асос бўлган шеър. 18. «Дунёнинг етти мўъжизаси»дан бири — Бобилдаги боғларнинг юзага келишига нисбат бериладиган Осурия маликаси. 19. Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. 20. Бобурийлар давлатининг пойтахти бўлган Ҳиндистондаги шаҳар. 21. Ғафур Ғуломнинг фалсафий мазмундаги шеъри. 22. Ўзбек халқ қўшиғи. 23. Гўштнинг суяксиз бўлаги. 24. Ёзув ашёси. 25. Ўзбек халқ куйларидан бири.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.



Келгуси сонда:

- ПОЛВОН БОЛА
- САВДОДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР
- ҚУРЪАНИНГ «КЎЗИ КЎР»...МИ

Газета саҳифаланаётганда:

«ВИТЕС АРИЕ» — МЕҲМОНИМИЗ

Ўзбекистон футболчилари республика мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб иккита халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишни режалаштиришган. Республика Футбол федерациясининг таклифига биноан Тошкентга Голландиянинг «Витес арие» профессионал клуби келади. «Витес арие» — Голландиянинг олий лигасида иштирок этадиган, кўплаб Оврупо кубоклари ўйинларида қатнашган кучли жамоадир.

17 августда «Пахтакор» марказий стадионида бўладиган биринчи ўйинда меҳмонлар Тошкентнинг «Пахтакор» командаси билан, 19 августда эса Ўзбекистон миллий терма командаси билан учрашади. Бу иккала ўйиндан тушган маблағ футболни тараққий эттириш республика жамғармасига ўтказилади.

Меҳмонлар Тошкентнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишишади, корхоналарда ҳамда Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлишади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан *"Ёш ленинчи"* номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар ҳаёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г — 336. 62462 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.00 да.